


Муслима шифокор жарроҳлик соҳасида катта муваффақиятга эришди



12:37 / 14.04.2021 1440

Шотландиялик муслима шифокор кутиш вақтларини қисқартириб, бемор парваришини яхшилаган жарроҳлик роботларини жорий этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан тарихий муваффақиятга эришди. Бу ҳақда islam.ru маълумотларига таяниб, muslim.uz сайти хабар беради.

Доктор Шафақ Шейх MBBS FRCS PhD колоректал ва умумий жарроҳлик соҳаси бўйича ишлайди. У иккита да Винчи роботи ва Мако роботлаштирилган қўл билан жарроҳлик тизимини тақдим этди.

«Беморлар роботлаштирилган операциядан кейин шифохонада камроқ қолиб, тезроқ тузалиб кетади, уларга камроқ оғриқсизлантириш ва анестезия керак бўлади», - дейди муслима шифокор.

Islam.ru маълумотларига кўра, роботлар билан ишлагандан кейинги жарроҳларнинг фикри жуда ижобий бўлди.

"Жарроҳлар сўнгги олти йил давомида биринчи да Винчи роботимиздан фойдаланишди ва бу вақт ичида беморларимиз учун ҳақиқатда фойда берганини кўрдик...", - таъкидлади маслаҳатчи жарроҳ Жюстин Ройл.